



ТА'ЛИМ, ФАН

VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал
1996 йилда ташкил этилган.

2020/2-son

Таҳрир кенгаши раиси:
Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазири
Маджидов Иномжон Уришович

Таҳрир кенгаши раиси ўринбосарлари:

Абдурахманов О.Қ.
Холмухамедов М.М.

Бош муҳаррир:

З.Т.Ҳақимов
Ривожлантириш маркази директори

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Ибрагимов И.У.
(бош муҳаррир ўринбосари)
Бегимкулов У.Ш.
Бузрукхонов С.М.
Холиқов А.Ж.
Исмаилов Б.М.
Базаров О.Х.
Ҳамраев М.С.
Ризаев Ф.Х.
Туробжонов С.М.
Мараҳимов А.Р.
Ходиев Б.Ю.
Умурзоков Ў.П.
Раҳимов Ғ.Х.
Сирожиiddинов Ш.С.
Шукуров Э.Х.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

Пардаев А.Х.
Раҳманов Х.Ш.
Шарипов Ш.С.
Эшмуродов А.Т.
Хайдаров О.А.
Аллаберганов Р.К.
Раҳимова У.А.
Курбанов Ш.Э.
Ризаев Ж.А.
Муталов Ш.А.
Ибрагимов М.М.
Нишонов Х.М.
Мирсоатова М.С.
Матякубов А.
Иноятов Ф.Ш.
Каримов К.Х.
Бабаходжаев С.Н.
Шарипов К.А.
Абдурахмонов Қ.Х

Таҳририят:

Аллаёров Т. – масъул муҳаррир,
Усманова Д. – дизайнер

MUNDARIJA

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA O'QUV JARAYONINI LOYIHALASH

Н.Жиянова. Таълимда оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантирувчи омиллар.....	4
А.Т.Тургунова. Замонавий ёшларнинг ахлоқий тарбиясида – кекса авлод вакилларининг роли.....	7
А.Э.Хўжақулов. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага кадрятли муносабатни шакллантиришнинг педагогик шартлари.....	11
Х.Умаров., С.К.Каримова. Бошланғич синфларда она тили ўқитишнинг илмий педагогик асослари.....	15
Д.Р.Раҳматуллаева. Ўқувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш методикасини жорий этиш ва педагогик самарадорлигини баҳолаш услубияти.....	17
Ғ.И.Мухамедов., У.Н.Хўжамқулов. Кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида.....	22
З.М.Курбанова., В.М.Шаков. Педагогик технологияларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни ва улардан фойдаланиш омиллари.....	28
Н.И.Камолова. Ўқитувчининг махсус-илмий ва методик тайёргарлигига асосланган биокимёвий таркибга эга бўлган методик масалаларни тузиш ва ечиш методикаси.....	33
Р.Б.Расулова. Она тили фанини ўқитишда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг нутқ маданиятларини оширишда замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш.....	37
Н.А.Мирзаева. Биологияда амалий тажрибалар ўтказишнинг замонавий виртуал ечимлари.....	40
У.Р.Рустамов., Б.Қ.Маманазаров. Умумтаълим мактаб физика дарсларида ўзгармас электр токи қонунларини тушунтиришда ўлчамлилик методини қўллашнинг хусусиятлари.....	43
О.А.Йўлдошев. Дунё ҳамжамиятида педология таснифи.....	46
Ш.К.Ташбаева., Н.О.Умирова. Методика преподавания законов химических реакций.....	50
Z.S.Rasulova., G.U.Turaeva. Maktab o'quvchilariga ona tili darslarini o'qitishning samarali uslublari va imkoniyatlari.....	52
TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH	
У.Рихсибоев., Х. Халилова., Х. Рихсибоева. Айланани тенг бўлақларга бўлишда ихтиёрий учбурчаклардан фойдаланишнинг графо-аналитик усули.....	54

R.K.Kirgizboyeva. Kombinatorika - libos dizaynida shakl hosil qilish usullaridan biri sifatida.....143

CHET TILLARNI O'QITISHDA PEDAGOGIK QONUNIYATLAR

Ш.Х.Акбарова. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тили лексикасини кўргазмалилик ва мультимедиа воситасида ўргатиш..... 147

Ш.И.Шералиева., Х.Ж.Пирматова. Особенности диагностической оценки в обучении иностранным языкам..... 152

М.Х.Гулямова. Чет тилларни ўрганишда компетенциявий ёндашувнинг хусусиятлари.....155

М.С.Мажидова. Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг шахсий компетенциясини шакллантириш муаммолари..... 159

TA'LIM TIZIMIDAGI TERMIN VA TUSHUNCHALAR

Б.Х.Қораева. Ўзбек тилидан амалий машғулотлар жараёнида от сўз туркумига оид сўзларнинг ясалишини ўрганиш..... 163

И.А.Алланазарова. Биология ўқитиш методикасида илмий терминологиядан самарали фойдаланиш усуллари..... 166

BARKAMOL AVLODNI TARBİYALASHDA TA'SIRCHAN TADBIRLARNI TASHKILLASHTIRISH

Э.А.Абдуманнотов. Тарихий қадамжоларга саёҳат ва буюк аждодларимиз мероси воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш..... 169

TA'LIM SIFATINI OSHIRISH

А.М. Холбаев. Специалисты-ученые о достижениях науки и перспективах исследования полупроводниковых материалов и приборов..... 174

Sh.Sh.Sabirova. Distance learning - the signs of the times..... 177

М.М.Қаххорова. Маънавий идеал жамият муҳити барқарорлашувининг асоси сифатида.....180

Т.А.Абуллаев. Креатив ёндашув асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни такомиллаштиришда медиатеологиялардан фойдаланиш..... 185

Д.Т.Усмонова. Бўлажак педагогларда касбий компетентликни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари..... 189

Д.С.Давронова. Оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришнинг педагогик шарт шароитлари192

А.Ф.Хамроева. Бўлажак тарбиячиларда креатив компетентликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари197

Ф.Р.Нарзикулова. Инновацион таълим технологиялари асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий – педагогик диагностикасини такомиллаштириш йўллари.....201

Г. Хамидова., Ф.Нумонжорова. Мактабгача ёшдаги болалар интеллектуал қобилиятлари-ни интерактив методлар орқали ривожлантириш..... 206

М.Х.Ахмедова. Талабалар нутқида сленг ва жаргонлар.....210

И.И.Юсупов., Н.Қобулова., А.А.Хожиев. Сабзавот кўчатчилигида чиқиндилардан фойдаланишнинг юқори самарадорликка эришиш истиқболлари..... 213

С.С.Майдонова. Олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосидаўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик мазмуни, самарали шакл ва методлари..... 218

Д.Х.Нарзикулова. Оилавий низоларни бартараф этиш ва олдини олишнинг педагогик-психологик асослари..... 222

Ж.Саидов. Миллий қадриятлар асосида мактабгача таълим муассасаларидаги болалар тарбиясини шакллантириш.....227

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ, САМАРАЛИ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ СОДЕРЖАНИЕ, ЭФФЕКТИВНЫЕ ФОРМЫ И МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ЛИТЕРАТУРНОЙ КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И ШКОЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

PEDAGOGICAL CONTENTS, EFFECTIVE FORMS AND METHODS OF DEVELOPMENT OF LITERARY CULTURE AT STUDENTS BASED ON THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION AND SCHOOL COOPERATION

С.С.Майдонова – ўқитувчи
Навоний давлат педагогика институти

Аннотация

Мазкур мақолада олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик мазмуни, самарали шакл ва методлари амалий жиҳатдан ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: китоб захираси, талаба, ўқувчи, мактаб, олий таълим тизими, самарали метод, усул, ижтимоий тараққиёт, устоз-шогирд муносабатлари, китобхонлик, маданият, тарихий-маданий ривожланиш, тажриба, ёш авлод, диний, бадиий, илмий, дунёқараш.

Аннотация

В данной статье описывается педагогическое содержание, эффективные формы и методы развития культуры чтения у студентов на основе взаимодействия системы высшего образования и школы.

Ключевые слова и фразы: книжный заповедник, студент, студент, школа, система высшего образования, эффективный метод, метод, социальное развитие, взаимоотношения учитель-ученик, чтение, культура, историко-культурное развитие, опыт, молодое поколение, религиозный, художественный, научный Мировоззрение.

Annotation

This article describes the pedagogical content, effective forms and methods of developing a reading culture among students based on the interaction of the higher education system and the school.

Keywords and phrases: book reserve, student, student, school, higher education system, effective method, method, social development, teacher-student relationship, reading, culture, historical and cultural development, experience, young generation, religious, artistic, scientific Worldview.

Асрлар давомида шиддат билан кечаётган ижтимоий тараққиёт инсониятни маънавий-маърифий жиҳатдан етуклигини, ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Биламизки, ижтимоий дунёқараш ва хулқ меъёрлари бир авлоддан иккинчисига устоз-шогирд муносабатлари асосида яқка тартибда ўтган. Узоқ асрлик тарихий-маданий ривожланиш, халқнинг ижтимоий тажрибаси ва

ғояларнинг бир авлоддан иккинчисига узатилиши ёшлар дунёқарашининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар

дастури тўғрисида”ги ПҚ 3271 – сонли Қарори мазкур муаммони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. [1;]

Маънавий юксалиш жамият тараққиётининг асосий мезони ҳисобланади. Шахснинг маънавий тафаккури эса унинг илмий салоҳияти, китобхонлик даражаси билан белгиланади. Демак, ёш авлоднинг маданий, маънавий камол топиши ҳам китоб ва китобхонликка бориб тақалади. Шунинг учун ҳам ёш авлодни мафкуравий иммунитетини шакллантириб, уларнинг жамиятимизнинг фидойи кишилари бўлиб етишишларига эришиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Жумладан, олима С.Чиниеванинг тадқиқот ишларида оилада китобхонликни шакллантиришда болаларда китобга меҳр уйғотиш ва китобларни авайлаб-асраш кўникмасини хо PEDAGOGICAL CONTENTS, EFFECTIVE FORMS AND METHODS OF DEVELOPMENT OF LITERARY CULTURE AT STUDENTS BASED ON THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION AND SCHOOL COOPERATION сил қилиш, уларнинг ёши ва тайёргарлик даражасига мос китобларни танлаш, оилада китоб заҳирасини ҳосил қилиш, оилада болаларнинг китоб ўқишини кузатиш ва китоб ўқишни тизимли ташкил этиш, китоб ўқишнинг самарали метод ва усулларидан фойдаланиш, ўқилган китобларни ҳисобга олиб бориш ва улар ҳақидаги фикрларни аниқлаб бориш, китоб ўқишни босқичма-босқич олиб бориш, болаларни ўқиган китоблари юзасидан фикр юрита олишга ўргатиш, ўқиган китоблари юзасидан суҳбат ўтказиш, болаларни китоб ўқишга мажбур қилиш эмас, уларда хоҳиш-истак уйғотиш, болалар китобхонлигини ташкил этишда оила↔мактаб↔оила тизимини яратиш муҳим масала сифатида эътироф этилган. [3;]

Педагогик адабиётлар ва луғатлар таҳлилига асосланиб айтишимиз мумкинки, “Маданият”-арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан бўлиб, жамият, инсоннинг ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражасидир. [5;]

Биламизки, ўзбек халқи азалдан китобхон халқ бўлган. Аждодларимиз китоб мутолааси билан мунтазам шуғулланганлар. Болаларда жуда ёшлиқдан бошлаб китобхонлик маданияти кўникмалари шакллантирилган. Ўтмишда болаларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ота-оналар, энагалар, мураббийлар зиммасида бўлган. Кўпгина зиёли, маърифатли оилаларда жуда катта миқдордаги китоблар сақланган. Йирик кутубхоналар олимлар ва задогонлар ихтиёрида бўлган. Мадрасаларда

ҳам китоб мутолааси билан толиблар изчил шуғулланишган. Бугунги кунда мана шу муқаддас мерос ва қадриятга садоқат сифатида олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

Баркамол инсон шахсини камол топтириш вазифаси, аслида, кенг қамровли педагогик жараён бўлиб, уни амалга ошириш бир неча йўналишлар бўйича ҳал этилиши зарур. Улардан бири - ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришда олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги натижасида эришиладиган катта педагогик имкониятларни сафарбар қилишдан иборатдир.

Маълумки, ўқувчиларда табиий-илмий, ижтимоий-ғоявий билимлар ва дунёқарашни шакллантириш вазифасини бирон-бир муайян ўқув предмети ўқитиш доирасида амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун маданий-маърифий ҳамда таълим-тарбия жараёнини уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тизимда олийгоҳ ва мактаб кутубхонаси талаба ва ўқувчилар учун энг яқин бўлган таълим-тарбия ҳамда маърифат маскани сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам мактаб кутубхоналарининг ўқувчи билан доимо биргаллигини эътиборда олган ҳолда ўқувчининг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқув жараёни ва кутубхона ҳамкорлигини таъминлашга эришиш лозим. Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос қизиқишларини эътиборга олиб ёндашиш, таълим-тарбиявий ҳамда маърифий таъсир ўтказиш усуллари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув предметларини муваффақиятли ўрганишлари, уларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик, бадий ва жисмоний жиҳатдан камолотга эришишлари учун имконият яратиш лозим.

Олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда қуйидаги вазифалар ечимига эътибор қаратиш лозим:

-олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

-олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг методологик асослари етарли даражада ишлаб чиқиш;

-олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида китобхонлик маданиятини такомиллаштириш, уни умумтаълим ва умумтарбиявий фаолиятнинг узвий бўғини сифатида баҳолаб ёндошиш талаб даражасида

эмаслиги, мазкур ижтимоий-педагогик институтлар орасида ҳамкорликнинг таъминлашга эришиш.

Таълим жараёнини оптималлаштириш ҳар қандай жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида пойдевор вазифасини ўтайди, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда

муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизацияси энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Бу омиллар олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда, бунинг учун кутубхоналарнинг моддий-техник базасини яратиш, уларни замонвий талаб ҳамда андозаларга мос ҳолда адабиётлар билан таъминлаш, ўқитувчилар ва кутубхоначиларни қайта тайёрлаш асосида уларнинг педагогик, психологик билимларини ошириш, талабалар ва ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқитувчи ҳамда кутубхоначи ҳамкорлигини таъминлашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, бугун ўқувчилар ўзлари учун қизиқарли бўлган кўпгина маълумотларни асосан, оммавий ахборот воситалари ва интернет сайтларидан олишга муваффақ бўлмоқдалар. Бу ижобий ҳодиса, албатта.

Лекин бундай ҳаракат натижасида ёшларнинг кўпчилиги китоб мутолаасига лоқайд бўлиб қолишмоқда. Айниқса, бадий китобларнинг ёшларимиз томонидан ўқиш даражаси қониқарли эмаслиги кузатишларимиз натижасида аён бўлди. Турли ахборот воситалари орқали кириб келаётган маълумотларнинг барчаси ҳам ўқувчининг маънавий даражаси, маданиятини юксалтиришга хизмат қила олмайди. Мактаб билан бир қаторда болани китоб ўқишга қизиқтирувчи омиллардан бири - оила муҳитидир. Бироқ мактаб кутубхона билан ҳамкорликда таълим-тарбия амалга ошириладиган маскан сифатида ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда асосий ўринни эгаллаши лозим. Инсон қалбида болалиқдан китобга меҳр уйғотилса, уни ҳеч қачон сўндириб бўлмайди.

Олий таълим тизими ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, китобнинг қайси жанрига қизиқишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биламизки, китоб болани дунёни англаб олиши билан бир қаторда илмий

дунёқарашини шакллантиради, унинг характери таркиб топади, ҳаёт ва турмуш зиддиятларини қандай қилиб ечиш йўллари тушуниб етади. Бу хислатларни эгаллаб олган ҳар бир инсон юксак маънавийлиги шахс бўлиб етишади.

Китобнинг инсон ҳаёти, кишилиқ жамияти маънавий тараққиётидаги бекиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғусини пайдо қилади. Болалар китобхонлигини ташкил қилишда педагоглар зиммасига ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифа юкланади. Бунинг учун педагогларнинг ўзи ҳам юксак дидга эга бўлишлари керак. Инсон ҳаёти атроф-оламдаги нарсаларни тушуниш, ҳаётда ўзини англашга бўлган эҳтиёж, миллий ғурур, яшаш учун курашишдан иборатдир.

Шахс маънавий камолоти жамият тараққиёти даражасини белгилар экан, барча замонларда ҳам ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашга катта эътибор берилган. Ёш авлодни маънавий шакллантиришда китобхонликнинг ўрни ўзига хос.

Шунга кўра бу муаммо глобаллашув ва техноген цивилизация, модернизация жараёни кетаётган ҳозирги кунда янада долзарблиқ касб этмоқда. Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш учун бўлган кураш шахс маънавий камолотида ҳар бир шахснинг ўз-ўзини англаши, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда китобнинг ўрни, китобхонликнинг ўрни бениҳоя. Зеро, китоб авлодлар занжирини мустаҳкамловчи маънавий меросдир. Лекин билим манбаи ва тарбия воситаси бўлган китоб ва китобхонлик бугун пайдо бўлган эмас. У инсон руҳига таъсир этиб, уларни маънавий-ахлоқий камолотга элтувчи адабиётнинг, китобнинг сўз сеҳридир. Шу сўз сеҳри орқали китобхон ҳиссиётига таъсир этади ва билим бериш билан бирга инсонга завқ бағишлайди ҳамда ақлни чархлаб, уни тарбиялайди.

Адабиётшунос Сафо Матжонов таъкидлаганидек, “Илмий асарлар ғафлат ва жаҳолатдан қутқарса, бадий асарлар дағаллик ва разолатдан халос этади. Униси ҳам, буниси ҳам кишиларнинг маърифатли, бахт-саодатли бўлиши учун баб-баравар фойдали ва зарурдир” [4;37]

Демак, шахс камолоти муаммоси китобхонлик муаммоси билан боғлиқ бўлиб, бу аста-секин тадрижий равишда ривожланиб боради. “Адабиёт яшаса, миллат яшар адабиётнинг тараққийсига чалилмаган ва адиллар етиштирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур”, – дейди

машхур маърифатпарвар Чўлпон. [2;36]

Юқоридаги фикрдан маълумки, инсон гурури ва бошқа инсоний кадрятларни болалиқдан тарбиялаб бориш учун китобхонлик муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Тарихийлик тамойилига кўра, китобхонлик даражаси кўп жиҳатдан адабиёт ва жамият тараққиёти билан боғлаб ўрганилади. Зеро, жамият ривожига илм-маърифатли кишиларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари ҳам илм-маърифат тараққиётини мақсад қилиб олган эдилар. Улар халқимизнинг ўқимишли бўлиши, юртимизнинг илғор давлатлар қаторидан ўрин олиши учун курашдилар.

Сапа Матчоннинг айтишича, илм инсонни ёвузликдан, жоҳилликдан асрайди ва маънавий юксаклик сари етаклайди. Илми-заковати туфайли неча замонлар оша юртимизни нурафшон этиб келаётган олимлару, уламою фузалолар ҳаёти бунга мисолдир. [4;37] Айтиш ўринлики, илм олишда ақл-заковат ҳам катта аҳамиятга эга. Ақл-заковат – бу инсоннинг билими, фикрлаш қобилияти, зеҳни, маънавий етуклигидир. Ана шуларнинг барчаси китобхонлик туфайли таркиб топади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқий китобхонлик бу – машаққатли меҳнат, шунингдек китобхонлик ўта шарафли, инсоннинг билим даражаси

кенгайиб, тушунчаси, дунёқараши ўсади, ҳаёт қонуниятларини чуқур англай бошлайди, инсонга маънавий озиқ беради. Китобхонлик билан мунтазам шуғулланиб бориш талаб этилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиши ва тарқатиши тизимини ривожлантириши, китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини ошириши ҳамда тарғибот қилиши бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ 3271 – сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

2. Чўлпон. *Адабиёт недур?* – Т: Чўлпон нашр., 1994. – 36 б.

3. Чиниева С. *Ўзбек оилаларида китобхонлик воситасида ўсмрлар маънавиятини шакллантириши. Пед. фан ном. дисс Т.: 2006. 82 б*

4. Матчанов Сапа. *Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиши. Ўзбек адабиёти ўқитиши назарияси ва усулиёти. Пед.фан.док.илм.дараж. олиши учун ёз-ган. дисс. автореферати. – Т.: 1997. -37 б.*

5. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашириёти, 2003.-372-373-бетлар*